

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**СУЛТАНОВ РУСТАМ БЕГДУЛЛАЕВИЧ**

**ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА**  
**БАНК РИСКЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ АМАЛИЁТИНИ**  
**РИВОЖЛАНТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on economical sciences**

**Султанов Рустам Бегдуллаевич**

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда банк рискларини тартибга  
солиш амалиётини ривожлантириш.....3

**Султанов Рустам Бегдуллаевич**

Развитие практики регулирования банковских рисков при финансировании  
инвестиционных проектов.....29

**Sultanov Rustam Begdullaevich**

Development of the practice of regulating bank risks in the financing of investment  
projects.....55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**СУЛТАНОВ РУСТАМ БЕГДУЛЛАЕВИЧ**

**ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА**  
**БАНК РИСКЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ АМАЛИЁТИНИ**  
**РИВОЖЛАНТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Iqt336 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Дускобилов Умиджон Шарофиддинович**  
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Расмий оппонентлар:** **Кузиева Наргиза Рамазановна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Додиев Фозил Ўтқурович**  
иқтисодиёт фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:** **«Саноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банки**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй, Тел.: (71) 239-28-72, Факс: (71) 239-43-51; e-mail: info@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй, Тел.: (71) 239-28-72, Факс: (71) 239-43-51; e-mail: info@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Х. Жумаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Б.Т. Бердияров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

**С.К. Худойқулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Коронавирус пандемияси туфайли жорий қилинган чекловлар жаҳон иқтисодиётига салбий таъсир этиб, умумий иқтисодий пасайиш фонида инвестицияларни молиялаштириш ҳажмини қисқаришига сабаб бўлди. Жумладан, «2020 йилда жаҳон миқёсидаги жами инвестицион кредитлаш ҳажми 2019 йилга нисбатан 2,1 фоизга қисқариб 109 млрд. АҚШ долл.ни ташкил этди»<sup>1</sup>. Бунда, Жаҳон банки томонидан жами 77,1 млрд. АҚШ долл.га тенг инвестицион ресурслар ажратилиб, «маблағларнинг 44,2 фоизи Осиё, Европа ва Тинч Океани мамлакатларига, 39,2 фоизи Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларига, 16,6 фоизи Кариб ороллари ва Лотин Америкаси мамлакатларига йўналтирилган»<sup>2</sup>. Мазкур маблағлар асосан, худудий ва глобал миқёсдаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун ҳамкор давлатлар ва хусусий ишлаб чиқарувчиларга кредитлар, грантлар, асосий капиталга инвестициялар ва давлат кафолати кўринишида ажратилган.

Жаҳонда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда банк рискларини тартибга солишнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш, инвестиция лойиҳаларига таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни таҳлил қилиш асосида лойиҳанинг самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш долзарб тадқиқот объекти ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ҳозирда инвестиция лойиҳалари билан боғлиқ рискларни тартибга солиш методикасини такомиллаштириш, инфляциянинг прогноз кўрсаткичларини чуқур таҳлили асосида лойиҳанинг соф қийматини сақлашга эришиш, инновацион ёндашувлар асосида инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда юзага келадиган банк рискларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш бўйича комплекс тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг бозор механизмларини такомиллаштириш, инвестиция лойиҳаларини молия бозори ва тижорат банклари орқали молиялаштириш амалиётини ривожлантириш долзарб тадқиқот объекти ҳисобланади. Бу эса, йирик корхоналар акцияларини юқори рейтингли халқаро компаниялар билан синдикатлашган ҳолда маҳаллий ва хорижлик инвесторларга сотиш ҳамда венчурли фондлардан фойдаланиш орқали инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштиришга қаратилган амалий тадқиқотлар учун кенг йўл очади. Шунингдек, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги банк рискларини тартибга солиш бўйича ҳам илмий изланишлар олиб бориш заруратини юзага келтиради ва долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги ПФ-5717-сон «Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимига ўтиш чора тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 18 августдаги ПФ-6042-сон «Республикада

<sup>1</sup> S&P Global Market Intelligence (2021). Global investment banks' revenue to remain elevated in 2021 but below 2020 highs. Press-release. January 4, 2021.

<sup>2</sup> [www.worldbank.org/annualreport](http://www.worldbank.org/annualreport) World Bank Group / Annual Reports 2020, p. 4. Executive Summary.

экспорт ва инвестиция салоҳиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 21 июндаги ПҚ-3796-сон «Халқаро молия институтлари ва донор мамлакатлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини бошқариш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 21 декабрдаги ПҚ-4071-сон «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, фаолияти самарадорлигини ошириш ва кредит сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Таниқли иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг ушбу мавзунини тадқиқ этиш борасидаги назарий, амалий ҳамда методологик муаммоларга бағишланган илмий асарлари мавжуд. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда банк рискларини тартибга солишнинг қатор назарий-услубий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлардан П.Самуэлсон, П.С.Роуз, Ж.Уолтер, А.Наряна, М.Кирчер, Д.Ху, Г.Шваб, Х.Ли, А.Делахант, В.В.Бочаров, Н.Н.Симонянц, Л.П.Крысин, А.Шапкин, Л.П.Кроливецкая, И.Т.Балабанова, Г.Н.Белоглазова, И.Е.Ильин<sup>3</sup>ларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш жараёнлари ва ундаги банк рискларини тартибга солиш борасидаги мавжуд муаммолар ва ечимлар ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар А.В.Вахобов, Д.Ф.Ғозибеков, Н.Х.Жумаев, Н.Ғ.Каримов, Ш.З.Абдуллаева, Д.М.Расулев, О.Ю.Рашидов, Н.Р.Кузиева, Ш.И.Мустафакулов, Э.И.Носиров, Ф.Ў.Додиев, Д.Б.Нафасов, Д.А.Исмаилов, Ў.А.Ҳайдаров, Ж.Х.Раззақов<sup>4</sup>ларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

<sup>3</sup> Самуэльсон Пол.А. Экономика: Издание 15. Пер. с англ. М: Бином-КноРус,1999. 800 с.; Роуз П.С. Банковский менеджмент. М.: Дело, 1995; György Walter. The Risks of Project Finance – Based on International and Domestic Experiences. Public Finance Quarterly. 2017/4. –p.19.; Narayana A., Mahadeva K. Risk Management in Banking Sector - An Empirical Study / Imperial Journal of Interdisciplinary Research (IJIR). Vol-2, Issue-8, 2016. P. 1219. ISSN: 2454-1362, <http://www.onlinejournal.in>; Kircher, M. Bioeconomy: Markets, Implications, and Investment Opportunities. Economies 2019, 7, 73. <https://doi.org/10.3390/economies7030073>; Hu, D., Schwabe, G. & Li, X. Systemic risk management and investment analysis with financial network analytics: research opportunities and challenges. Financial Innovation 1, 2 (2015). <https://doi.org/10.1186/s40854-015-0001-x>; Делахант А. Оксфордский толковый словарь английского языка. М.: Изд-во АСТ. 2007. – С. 433.; Бочаров В.В. Инвестиции: инвестиционный портфель, источники финансирования, выбор стратегии / В.В.Бочаров. –СПб.: Питер, 2006.; Кроливецкая Л.П. Банковское дело: кредитная деятельность коммерческих банков. – М.: КНОРУС, 2009. – С. 12-15.; Крысин Л.П. Иллюстрированный толковый словарь иностранных слов. М.: Эксмо, 2010. – С.124.; Шапкин А.С., Шапкин В.А. Теория риска и моделирование рискованных ситуаций. Учебник.-2-ое изд. М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К». 2007. – С. 46-50. 36. Ильин И.Е. Управление рисками в условиях глобального финансового кризиса // Управление в кредитной организации, 2009, № 1. С.35-38.

<sup>4</sup> Вахобов А.В. ва бошқалар. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. 328 б.; Ғозибеков Д.Ф. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: Молия, 2003 йил. 332 б.; Жумаев Н.Х. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: моҳияти, сабаб-оқибатлари ва Ўзбекистонга таъсири. – Т.: ЖИДУ, 2009 й. - 56 б.; Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Т.: Молия, 2002; Расулев Д.М. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш

Юқоридаги иқтисодчи-олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда кўриб чиқилган масалалар теран ёндашувларга асосланган бўлса-да, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги банк рискларини тартибга солиш амалиётини қамраб олмаган. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиз иқтисодиётининг замонавий ривожланиши шароитида инвестиция лойиҳаларидаги рискларни тадқиқ этиш зарурати диссертация мавзусини танлаш ва йўналишини белгилашга асос бўлиб хизмат қилди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФМ-5 – «Ўзбекистонда банк-молия тизимини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари ва истиқболлари» мавзусидаги илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш жараёнида юзага келадиган банк рискларини тартибга солиш амалиётини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Илмий ишнинг мақсадидан келиб чиқиб, диссертацияда қуйидаги тадқиқот вазифалари белгилаб олинди:

инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда юзага келадиган банк рискларининг иқтисодий моҳиятини очиб бериш;

инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги риск турлари ва уларни шаклланиш омилларини ўрганиш;

инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда рискларни тартибга солишнинг ташкилий асосларини тадқиқ этиш;

тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва улардаги рискларни тартибга солишнинг жорий ҳолатини таҳлил қилиш;

тижорат банкларидаги рискларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳажмига таъсирини эконометрик таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги рискли

---

босқичида инвестицияларни молиялаштиришни эконометрик моделлаштириш. Дис. ...Иқтисод фанлари доктори – Т., 2003. – 252 б.; Каримов Н.Ф. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари. – Т.: Фан ва технология, 2007.-240 б.; Рашидов О.Ю. ва бошқалар. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010.-272 б.; Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмининг такомиллаштириш йўналишлари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т., 2008; Мустафақулов Ш.И. Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибдорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш // Дис. ...иқтисод фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2017. 30 б.; Носиров Э.И. Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес инвестицияларини ривожлантириш истиқболлари. БПК.6/2001 й.; Додиев Ф.Ў. Инвестицион фаолиятни молиявий рағбатлантириш: Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т., 1998; Нафасов Д.Б. Банк рискларини бошқаришнинг иқтисодий мазмуни ва аҳамияти. Иқтисодиёт ва таълим. 2017 й. 1-сон., 15-б.; Исмаилов Д.А. Инвестиция фаолиятини молиявий бошқариш усулларини такомиллаштириш // Дис. ...иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2018. 25 б.; Ҳайдаров Ў.А. Миллий иқтисодиёт доирасида инвестиция фаолиятини молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш. / Дис. ...иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2020. 8-б. Раззақов Ж.Х. Инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлар ҳисобига молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш. / Дис. ...иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2018. 28 б.

жиҳатлар ва муаммоларни аниқлаш;

тижорат банклари томонидан молиялаштирилган инвестиция лойиҳаларининг мақсадлилиги ва ҳаётийлигини таъминлаш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш амалиёти олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда банк рискларини тартибга солиш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда илмий абстракциялаш, эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, таққослаш, тизимли таҳлил, статистик прогнозлаш, корреляцион ва регрессион таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

рискларни аниқлаш ва таъсир кўламини баҳолаш жараёни инвестицион салоҳиятга таъсир кўрсатувчи омилларни шаклланиш манбаларига кўра тақсимлаш ҳамда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги рискларни тартибга солиш ёндашуви асосида такомиллаштирилган;

бенефициарнинг лойиҳа доирасидаги импортини хорижий банкнинг субсидияланган ресурси асосида молиялаштириш таклиф этилган;

инвестиция лойиҳасини хорижий банкдан жалб қилинган миллий валютада номиналланган кредит орқали молиялаштириш таклиф этилган;

фоизли даромадлар ва рискка тортилган активлар ҳажмини ошириш, риск профилини яхшилаш ва банкнинг инвестиция лойиҳалари ҳажмининг ошишини эътиборга олган ҳолда банклар инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳажмининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган асосий, оптимистик ва пессимистик сценарийли прогнози ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги банк рисклари мониторинги мезонлари такомиллаштирилган;

инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг амалий ва услубий жиҳатларини тадқиқ этиш асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги банк рискларини мунтазам тартибга солиб бориш зарурати асосланган;

инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги банк рискларини тартибга солишнинг замонавий усуллари такомиллаштириш ва уларни амалиётда қўллаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** таниқли иқтисодчи олимларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда юзага келадиган банк рискларини тартибга солиш хусусидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, илғор хориж тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш, эксперт баҳолаш натижалари ҳамда статистик ва амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва қатор тижорат банклари, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлиliga



асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва методологик асослар инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда юзага келадиган банк рискларини тартибга солишни ривожлантириш имконини берувчи тадқиқотларда фойдаланиш билан белгиланади ва натижалардан рискларни бошқариш механизмининг концептуал асос, усул ва моделларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги банк рискларини тартибга солиш амалиётини ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан «Банк рисклари», «Инвестиция», «Лойиҳавий молиялаштириш», «Инвестицияларни бошқариш» фанларидан ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Диссертация натижалари асосида тақдим этилган қуйидаги илмий-услубий ва амалий таклифлар Ўзбекистон банк тизимида жорий этилган. Жумладан:

рискларни аниқлаш ва таъсир кўламини баҳолашнинг такомиллаштирилган ёндашуви тижорат банклари амалиётига жорий этилган. (АТ “Халқ банки”нинг 2021 йил 21 июндаги 20-18/687-сон ҳамда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг 2021 йил 6 июлдаги 22-13/265-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида банкларнинг инвестицион салоҳиятига таъсир кўрсатувчи омилларни шаклланиш манбаларига кўра тақсимлаш, инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги рисклар даражасини баҳолаш ва рискларни тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлиги таъминланиб, 2020 йилда инвестицион кредитлар ҳажми 2019 йилга нисбатан АТ “Халқ банки”да 63 фоизга ошгани ҳолда 5,4 трлн. сўмни, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБда эса, 4 фоизга ошгани ҳолда 18,2 трлн. сўмни ташкил этган;

банклар томонидан бенефициарнинг лойиҳа доирасидаги импортини хорижий банкнинг субсидияланган ресурси асосида молиялаштириш таклифи АТ “Халқ банки” Бошқарув кенгашининг 2020 йил 13 февралдаги 19-сонли қарори билан амалиётга жорий этилган (АТ “Халқ банки”нинг 2021 йил 21 июндаги 20-18/687-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида 2020 йилда инвестицион лойиҳалар доирасида техника-технологиялар импорти учун инвесторларга хорижий кредит линияси ҳисобидан жалб этилган 4,5 фоизлик ресурсга нисбатан 3,25 фоизлик субсидия қўллангани ҳолда банк томонидан 4,25 (1,25 хорижий ресурс фоизи+3 банк маржаси) фоиздан 80,5 млрд. сўм миқдоридаги инвестицион кредитлар ажратилган;

инвестиция лойиҳасини хорижий банкдан жалб қилинган миллий валютада номиналланган кредит орқали молиялаштириш таклифи АТ “Халқ банки” Бошқарув кенгашининг 2020 йил 4 мартдаги 27/1-сонли қарори билан

амалиётга жорий этилган (АТ “Халқ банки”нинг 2021 йил 21 июндаги 20-18/687-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида 2020 йилда АТ “Халқ банки” томонидан 418,9 млрд. сўм эквивалентдаги 40 млн. АҚШ долл.га тенг ресурс жалб қилинган ва банкнинг хорижий корреспондентлар олдидаги мажбурияти 418,9 млрд. сўмга нисбатан белгиланишига эришилган;

банклар инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳажмининг 2022-2026 йиллар учун асосий, оптимистик ва пессимистик сценарийли прогнози АТ “Халқ банки” ва “Саноатқурилишбанк” АТБ томонидан инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишда инобатга олинган. (АТ “Халқ банки”нинг 2021 йил 21 июндаги 20-18/687-сон ҳамда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг 2021 йил 6 июлдаги 22-13/265-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида риск профилининг яхшиланиши, фоизли даромадлар ва рискка тортилган активлар ҳажмининг ошиши банкнинг инвестиция лойиҳалари ҳажмини ошишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан, ОАК эътироф этган илмий журналларда 6 та илмий мақола шундан, нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола, шунингдек, республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда 15 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 145 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти изоҳланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда банк рискларини тартибга солишнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган дастлабки бобида инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда юзага келадиган банк рискларининг иқтисодий моҳияти, уларнинг турлари ва шаклланиш омиллари, инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда банк рискларини тартибга солишнинг ташкилий асослари баён этилган.

Инвестиция лойиҳаларини пухта ишлаб чиқилмаслиги ва таркиблаш бўйича аниқ регламентнинг йўқлиги лойиҳаларни молиялашдаги банк рискларини юзага келтирувчи асосий омил сифатида баҳоланади. Таъкидлаш

жоизки, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда банклар асосан инвестицион ресурсларнинг қайтишига, хусусан, лойиҳа ташаббускорининг лойиҳадан оладиган даромадига алоҳида эътибор қаратади. Чунки, режадаги даромадни олиш, инвестицион кредитнинг такрор яратиш фазасини яқунланлайди ва кредитни қайтаришнинг асоси ҳисобланади. Бу эса, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги рискларни аниқлаш, унинг таъсир кўламини баҳолаш ва тартибга солиш заруратини оширади.

Шундан келиб чиқиб, диссертацияда лойиҳа самарадорлиги ва ундаги рискларнинг таъсир кўламини баҳолаш ёндашуви асосида инвестиция лойиҳасидаги рискларни тартибга солиш жараёнини ташкил этиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган (1-расм).



**1-расм. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги банк рискларини тартибга солиш жараёни<sup>5</sup>**

Расм маълумотларидан кўринадикки, банк рискларини тартибга солишнинг ташкилий жараёни моҳиятига кўра банк томонидан аниқланган рискларни босқичма-босқич бартараф этишни ўзида намоён этади. Таъкидлаш жоизки, рискларни тартибга солиш схемаси тижорат банкида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган рискларни тартибга солиш стратегиясига мувофиқ, инвестиция лойиҳаларини молиялашнинг умумий риск таркибининг мазмуни ва уни баҳолашдан келиб чиққан ҳолда тузилган.


Диссертациянинг «Тижорат банкларининг инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги рискларни тартибга солиш амалиёти» деб номланган иккинчи бобида инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда банк рискларини баҳолаш ва тартибга солиш усуллари

<sup>5</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ҳамда инвестицион кредитлар сифатининг лойиҳавий молиялаштиришдаги рискларни тартибга солишдаги аҳамияти таҳлил қилинган. Шунингдек, тижорат банкларидаги рискларнинг инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳажмига таъсирининг эконометрик таҳлили амалга оширилган.

Иқтисодий ва технологик модернизациялаш ва рақобатдошлигини ошириш, инновацион ва энергия тежамкор технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, жаҳон бозорида талаб мавжуд бўлган янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш орқали экспорт салоҳиятини юксалтиришда банк тизими томонидан олиб борилаётган инвестицион сиёсат ўз самарасини бермоқда.

2020 йилда тижорат банклари кредит қўйилмаларининг юқори суръатда ўсиши иқтисодий инвестицион ва истеъмол талабини рағбатлантиришга хизмат қилди. Хусусан, тижорат банклари томонидан иқтисодийга ажратилган кредит қўйилмалари ҳажми 31 фоизга ошиб, 2021 йил 1 январь ҳолатига 275,3 трлн. сўмни ташкил қилди. Кредит қўйилмаларининг ЯИМга нисбатан улуши эса 41,5 фоиздан 47,7 фоизгача ошди. 2020 йил давомида тижорат банклари томонидан иқтисодий реал сектори корхоналарининг инвестицион лойиҳаларини молиялашга 121,6 трлн. сўм ёки 2019 йилга нисбатан 37,7 фоиз кўп инвестицион кредитлар ажратилди (2-расм).



**2-расм. 2012-2020 йилларда тижорат банклари томонидан ажратилган инвестицион кредитлар ҳажми ва ўсиш тенденцияси<sup>6</sup>**

2-расм маълумотларидан кўринадики, марказий банкнинг кредит канали орқали ялпи талабни рағбатлантиришга қаратилган экспансион пул-кредит сиёсати таъсирида 2018 ва 2019 йилларда тижорат банклари инвестицион кредитлаш суръатларининг жадаллашуви кузатилган. Аммо, пандемия сабабли ялпи талабнинг қисқариши ҳамда 2023 йилда

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий веб-сайти ([www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)) маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

инфляциянинг 5 фоизли мақсадли мўлжалига эришишга қаратилган чоратadbирларнинг қатъийлаштирилиши натижасида 2020 йилда кредитлашдаги ўсиш суръати кескин пасайган.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда иқтисодиётда инвестицион фаолият билан боғлиқ рақамлар барқарор ўсиш тенденциясини қайд этмоқда. Шу ўринда, тижорат банкларининг инвестицион фаолиятида юзага келадиган рискларни аниқлаш ва самарали бошқариш йўллари тadbқиқ этиш долзарб аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш зарур.

Шундан келиб чиқиб, тadbқиқотда Асакабанк АЖ, АТ Халқ банки, Саноатқурилишбанк АТБ ҳамда Трастбанк ХАБнинг инвестицион фаолияти таҳлил қилинди. Жумладан, тижорат банкларининг инвестицион портфели ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда Тошкент шаҳрига йўналтирилган инвестицион ресурслар ҳажми юқори салмоққа эга эканлиги аниқланди. Хусусан, 2021 йил 1 январь ҳолатига ушбу кўрсаткич Асакабанк АЖда 82 фоизни, АТ Халқ банкида 19,9 фоизни, Саноатқурилишбанк АТБда 91,7 фоизни, Трастбанк ХАБда 55,2 фоизни ташкил этган.

Шунингдек, тижорат банкларининг инвестицион портфели таркиби сифат жиҳатдан таҳлил қилинди. Унга кўра, 2021 йил 1 январь ҳолатига банкларнинг жами инвестицион портфели таркиби таснифига кўра қуйидагича улушда шаклланган: Асакабанк АЖда стандарт – 92,82 фоиз, субстандарт – 5,71 фоиз, қониқарсиз – 0,80 фоиз, шубхали – 0,44 фоиз, умидсиз – 0,23 фоиз; Саноатқурилишбанк АТБда стандарт – 91,82 фоиз, субстандарт – 7,72 фоиз, қониқарсиз – 0,47 фоиз; АТ Халқ банкида стандарт – 95,22 фоиз, субстандарт – 3,31 фоиз, умидсиз – 1,47 фоиз; Трастбанк ХАБда стандарт – 58,21 фоиз, субстандарт – 41,02 фоиз, қониқарсиз – 0,77 фоиз.

Тижорат банкларининг инвестицион кредитлаш фаолияти таҳлил қилинганда Асакабанк АЖ ва Саноатқурилишбанк АТБ томонидан инвестицион ресурсларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрига ажратилган. Бу эса, ушбу банкларнинг ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий инфратузилмасини яхшилашга қаратилган инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш фаолиятини янада ривожлантиришни талаб этади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, АТ Халқ банки ва Трастбанк ХАБнинг инвестицион портфели нисбатан кенгроқ диверсификация қилинган. Яъни, мазкур банкларнинг инвестиция портфелида бошқа ҳудудлар салмоғи ҳам юқори улушга эга.

Юқоридаги банкларнинг инвестицион фаолияти таҳлилидан хулоса қилиб айтиш мумкинки, АТ Халқ банки ва Асакабанк АЖнинг инвестицион портфелида нисбатан юқори рискли таснифдаги активлар салмоғи юқори даражада. Саноатқурилишбанк АТБ ва Трастбанк ХАБнинг инвестицион портфели эса, асосан стандарт ва субстандарт таснифдаги активлардан ташкил топган. Рискли активларнинг асосий қисмини Тошкент шаҳрига тўғри келишига эса, банк тизимидаги умумий муаммо сифатида қараш зарур.

Диссертацияда инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилиш амалиётида кенг қўлланиладиган рискларни баҳолашнинг *сезгирлик даражасини таҳлил қилиши усулидан* фойдаланган ҳолда иккита лойиҳа мисолида уларнинг рискларга сезгирлиги аниқланди ва таққослама таҳлили амалга оширилди (1-жадвал).

Танланган инвестицион лойиҳалар тўғрисида умумий маълумот<sup>7</sup>

Лойиҳа номи	«А» лойиҳа		«Б» лойиҳа	
Лойиҳанинг мақсади	2 гектар майдонда иссиқхона ташкил этиш		Грануланган озуқа ишлаб чиқариш	
Лойиҳа қуввати	Йилига 220 тн. помидор етиштириш		Йилига 31200 тн. маҳсулот ишлаб чиқариш	
Лойиҳа қиймати	994 598 АҚШ долл.	100,0%	12 363 100 000 сўм	100%
Ташаббускор улуши	399 598 АҚШ долл.	40,2 %	3 771 100 000 сўм	30,5 %
Кредит миқдори	595 000 АҚШ долл.	59,8 %	8 592 000 000 сўм	69,5 %
Йиллик фоиз ставкаси	8%		19%	
Кредит муддати	7 йил		7 йил	
Имтиёзли давр	24 ой		24 ой	
Кредит тўлови даврийлиги	хар 6 ойда		хар 6 ойда	

Рискка нисбатан сезгирлик даражасини баҳолаш объекти сифатида «А» ва «Б» лойиҳалар танлаб олинди. Лойиҳаларнинг фарқли жиҳати шундаки, улардан бири хорижий валютада, иккинчиси миллий валютада молиялаштирилган. Шунингдек, «А» лойиҳа кучли мавсумий характерга эга, яъни пул оқимлари ойлар кесимида сезиларли фарқ қилади.

Таҳлиллар натижасида ҳар икки лойиҳага таъсир этувчи омиллар ўзгаришининг лойиҳа асосий кўрсаткичларига таъсири аниқланди. «Иссиқхона ташкил этиш» лойиҳасига жиддий таъсир этувчи омиллар сифатида энергия харажатининг ошиши, маҳсулот экспорти ҳажми ва нархининг сезиларли пасайиши танлаб олинган бўлса, «Грануланган озуқа ишлаб чиқариш» лойиҳасига жиддий таъсир этувчи омиллар сифатида хомашё маҳсулотлари нархининг ўзгариши танлаб олинди.

«Иссиқхона ташкил этиш» лойиҳасига хорижий валютада кредит ажратилиши сабабли миллий валюта девальвацияси лойиҳа кўрсаткичларига таъсир этади, лекин иккинчи лойиҳа миллий валютада молиялаштирилгани сабабли унга валюта девальвацияси таъсир этмайди. Халқаро амалиётда кредит фоизлари сузиб юривчи режжимда бўлганлиги сабабли кредит фоизларининг ўсиши таъсири ҳам омил сифатида таҳлилга киритилди.

2-жадвалдаги инвестиция лойиҳаларининг сезгирлик даражаси таҳлили натижасида олинган рақамлар рисклар классификациясига асосланган ҳолда ишлаб чиқариш, тижорат ва молиявий рискларга гуруҳлаштирилди.

*Ишлаб чиқариш rischi*, яъни ишлаб чиқариш қувватининг 20% пасайиши ҳар икки лойиҳага ҳам салбий таъсир этади ва буни дисконтланган даромад (NPV)нинг манфий кўрсаткичга айланганидан ҳам кўриш мумкин.

*Тижорат rischi* таркибидаги хомашё ва материаллар нархининг ошиши ҳамда маҳсулот сотиш нархининг пасайиши «А» лойиҳага нисбатан «Б» лойиҳага кўпроқ салбий таъсирини ўтказишини кузатиш мумкин. Бу эса, грануланган озуқа ишлаб чиқаришда тўғридан-тўғри ўзгарувчан харажатларнинг улуши юқорилиги билан изоҳланади. Шу билан бирга экспорт нархининг маҳаллий бозор нархидан юқорилиги сабабли экспорт ҳажмининг пасайиши ҳам «А» лойиҳа кўрсаткичларига салбий таъсир этади.

<sup>7</sup> Тижорат банклари молиялаштирган инвестицион лойиҳалар орасидан муаллиф томонидан танланган.

Танланган инвестицион лойиҳаларнинг рискка таъсирчанлиги бўйича таққослама таҳлил натижалари<sup>8</sup>

Асосий натижалар	Ишлаб чиқариш риски		Тижорат риси						Молиявий риск			
	Ўртача ишлаб чиқариш куватининг пасайиши		Хомашё ва материаллар нархининг ошиши		Маҳсулот сотиш нархининг пасайиши		Экспорт ҳажмининг қисқариши		Миллий валюта девальвацияси		Кредит фоиз ставкасининг 2 пункт ўсиши	
	«А» Лойиҳа (-20%)	«Б» Лойиҳа (-20%)	«А» Лойиҳа (+20%)	«Б» Лойиҳа (+20)	«А» Лойиҳа (-20%)	«Б» Лойиҳа (-5%)	«А» Лойиҳа (-50%)	«Б» Лойиҳа	«А» Лойиҳа (-10%)	«Б» Лойиҳа	«А» Лойиҳа (+2%)	«Б» Лойиҳа (+2%)
Ўртача соф фойда (кредит даврида)	108574	390448	187968	-678826	133823	-280687	152609	-	184323	-	182176	1451014
Ўртача йиллик пул тушуми	102762	301901	178499	-803405	126473	-399162	144618	-	173115	-	171765	1331495
Ўртача DSC-қарзни қоплаш коэф.	2,98	1,18	4,24	0,61	3,44	0,82	3,72	-	4,16	-	3,33	1,72
Минимум DSC-қарзни қоплаш коэф.	1,32	0,96	1,87	0,48	1,52	0,64	1,64	-	1,84	-	1,74	1,28
Ўртача ялпи рентабеллик (%)	97%	10%	97%	5%	97%	6%	97%	-	98%	-	98%	10%
Ўртача соф рентабеллик (%)	29%	-0,2%	41%	-1%	34%	-1%	39%	-	41%	-	40%	3%
Минимум жорий коэф. (жор. актив/жор. маж)	0,32	24,81	0,46	28,61	0,38	30,72	0,41	-	0,44	-	0,44	40,04
Максимум Debt/Equity Ratio (Қарз/актив)	0,11	0,86	0,08	0,76	0,10	0,75	0,09	-	0,08	-	0,08	0,69
IRR	7%	12%	16%	-6%	10%	1%	12%	-	17%	-	15%	24%
NPV	-126725	-2666991	238119	-8082783	-7367	-6166838	78319	-	248783	-	202082	1323912
Зарарсизлик нуқтаси	45%	15%	35%	33%	42%	28%	39%	-	35%	-	35%	15%

<sup>8</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

*Молиявий риск* таркибидаги миллий валюта девальвацияси экспортга маҳсулот сотилиши ҳамда хорижий валютада кредит ажратилганлиги сабабли «А» лойиҳа кўрсаткичларига таъсир этиб, бир томондан экспорт тушуми ҳисобига таъсир ижобий бўлса, иккинчи томондан кредит ва унга тўланадиган фоизлар ҳисобига таъсир салбий импульсга эга бўлади.

Танлаб олинган лойиҳалар таҳлили натижасидан хулоса қилиш мумкинки, ўзгарувчан харажатлар салмоғи юқори бўлган «Б» лойиҳанинг тижорат рискига таъсирчанлик даражаси «А» лойиҳага нисбатан юқори эканлигини, лекин доимий харажатлар салмоғи камлиги сабабли зарарсизлик нуқтаси ўз-ўзидан юқорилигини, яъни нисбатан паст даражадаги ишлаб чиқариш қувватларида ҳам лойиҳа зарарга кирмаслигини кузатиш мумкин.

Халқаро валюта жамғармаси ҳамда Жаҳон банки гуруҳи экспертлари ҳамда етакчи иқтисодчи олимлар томонидан тавсия этилган назарий қарашлар ва таҳлил усулларига таянган ҳолда банк рисклари ва банкларнинг инвестицияларни молиялаштириш билан боғлиқлигининг эконометрик модели яратилди. Моделни яратишда республикамиз банк секторининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда динамик панель маълумотларини таҳлил қилишнинг энг самарали ва ишончли усули ҳисобланган икки босқичли моментларнинг умумлашган усули (two step generalized method of moments – 2SGMM) танланди. Ушбу усул бинар (иккилик) ва компонентали кўрсаткичларни таҳлил қилиш имконини бериши билан панель маълумотларни эконометрик модаллештиришга мўлжалланган бошқа усуллардан ажралиб туради. Модел асосида Асакабанк АЖ, АТ Халқ банки, Саноатқурилишбанк АТБ ва Трастбанк ХАБ томонидан 2016-2021 йиллардаги инвестицияларни молиялаштириш ҳажми билан риск даражаси ўтасидаги иқтисодий-математик боғлиқлик таҳлил қилинди.

Модел хусусиятидан ҳамда кредитлаш ва банк rischi тўғрисидаги классик назариядан келиб чиқиб, танланган банклар учун қуйидаги функционал боғланиш тузилди:

$$ILD = \alpha LnILD_{i,t-1} + \beta_1 LnTRF_{i,t} + \beta_2 LnFRL_{i,t} + \beta_3 LnRWA_{i,t} + \beta_4 LnRPF_{i,t} + \beta_5 LnITA_{i,t} + \beta_6 LnLIQ_{i,t} + \beta_7 LnCAR_{i,t} + \beta_8 LnLOR_{i,t} + \beta_9 LnGDP_t + \beta_{10} LnINF_t + \eta_i + \varepsilon_{i,t}$$

Бу ерда,  $ILD_{i,t}$  –  $i$  банкнинг  $t$  даврдаги инвестицияларни молиялаш учун йўналтирган маблағлари ҳажми;  $TRF_{i,t}$  –  $i$  банкнинг  $t$  даврдаги инвестиция лойиҳалари доирасида олинган импорт кредитлари ҳажми;  $FRL_{i,t}$  –  $i$  банкнинг  $t$  даврдаги инвестиция лойиҳалари учун олинган қатъий курсдаги сўмдаги кредит линиялари ҳажми;  $RWA_{i,t}$  –  $i$  банкнинг  $t$  даврдаги рискка тортилган активлари ҳажми;  $RPF_{i,t}$  –  $i$  банкнинг  $t$  даврдаги риск профили;  $ITA_{i,t}$  –  $i$  банкнинг  $t$  даврдаги фоизли даромадлари ҳажми;  $CAR_{i,t}$  –  $i$  банкнинг  $t$  даврдаги капитал етарлилик коэффициенти;  $LIQ_{i,t}$  –  $i$  банкнинг  $t$  даврдаги ликвидлилик коэффициенти;  $LOR_{i,t}$  –  $i$  банкнинг  $t$  даврдаги кредит фаоллиги;



$GDP_t$  – мамлакатнинг  $t$  даврдаги ЯИМ миқдори,  $INF_t$  – мамлакатнинг  $t$  даврдаги инфляция даражаси,  $\varepsilon_{i,t}$  – стандарт хатолик коэффициентлари.

Дастлаб, 2SGMM тестини ўтказишдан аввал танланган ўзгарувчиларни стационарлиги текширилди. Стационарликни аниқлаш учун бирлик илдиз тести ўтказилди ва ҳар бир ўзгарувчининг барқарорлик ҳолати текширилди. Чекланган сонли кузатувчилик динамика панели маълумотлар бўлгани учун Харрис-Цавалис бирлик илдиз тестидан фойдаланилди (3-жадвал). Ушбу бирлик илдиз тестида корреляция йўқлиги ҳамда умумий авторегрессияли ўзгарувчи мавжудлиги қаноатлантирилгандагина ўзгарувчилар стационар деб қаралади.

### 3-жадвал

#### Харрис-Цавалис бирлик илдиз тести натижалари<sup>9</sup>

Ўзгарувчи	Z-статистика	Стационарлик
LnILD	-1,9633**	Стационар
LnTRF	-7,6592*	Стационар
LnFRL	-6,7009***	Стационар
LnRWA	-1,6664**	Стационар
LnRPF	-8,2058***	Стационар
LnITA	-9,5021*	Стационар
LnCAR	-5,2696**	Стационар
LnLIQ	-3,9847**	Стационар
LnLOR	-7,3805**	Стационар
LnGDP	-3,0784*	Стационар
LnINF	-1,4297**	Стационар

Изоҳ: \*, \*\* ва \*\*\* мос равишда ўзгарувчиларнинг 1%, 5% ва 10% ишонч интервали.

Харрис-Цавалис бирлик илдиз тести натижалари танланган ўзгарувчилар оддий даражада ( $U_0$ ) стационар эканлигини, яъни бирлик илдиз мавжуд эмаслигини кўрсатди. Оддий даражада стационарликка эга бўлгани учун ўзгарувчиларни бирламчи ( $U_1$ ) ва иккиламчи ( $U_2$ ) тафовутда стационарликка текшириш зурарати мавжуд эмаслиги ҳамда ўзгарувчилар ўртасида функционал боғланиш мавжудлигини тасдиқлади. Чунки, стационарликнинг зарурий шартларига мувофиқ, агар оддий даражада ўзгарувчилар стационарликка эришса, зарурий шарт қондирилган ҳисобланади ва таҳлилни амалга ошириш мумкин бўлади.

Стационарликка эришилганидан сўнг 2SGMM усули тести амалга оширилди (4-жадвал).

4-жадвалга мувофиқ, барча эрксиз ўзгарувчиларнинг лаглари қиймати мусбат ва аҳамиятлидир, яъни улар билан инвестиция кредитлари миқдори ўртасида нафақат ижобий, балки сезиларли даражада боғлиқлик мавжуд. Хусусан, банк риск профилининг 1 фоизга яхшиланиши лойиҳавий инвестицияларнинг 0,427 фоизга, фоизли даромадларнинг 1 фоизга ортиши

<sup>9</sup> EViews-10 эконометрик таҳлил дастури асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

лойихавий инвестицияларнинг 0,409 фоизга, рискка тортилган активларнинг 1 фоизга ортиши эса лойихавий инвестицияларнинг 0,326 фоизга ортишига олиб келади. Шунингдек, компонента ўзгаручи – қатъий курсдаги сўмдаги кредит линиялари ҳажмининг 1 фоизга ортиши жами инвестиция кредитлари ҳажмининг 0,2 фоизга, компонента ва бинар хусусиятига эга бўлган ўзгарувчи – инвестиция лойихалари доирасида олинган импорт кредитлари ҳажмининг 1 фоизга ортиши жами инвестиция кредитлари ҳажмини 0,05 фоизга ортишига сабаб бўлади.

#### 4-жадвал

#### 2SGMM тести натижалари<sup>10</sup>

Ўзгарувчилар	ILD	TRF	FRL	RWA	RPF	ITA
LnILD (-1)	-0,431**	-	-	-	-	-
LnTRF (-1)	-	0,052*	-	-	-	-
LnFRL (-1)	-	-	0,198**	-	-	-
LnRWA (-1)	-	-	-	0,326*	-	-
LnRPF (-1)	-	-	-	-	0,427**	-
LnITA (-1)	-	-	-	-	-	0,409*
LnCAR	-0,036**	-0,055**	-0,193*	-0,086***	-0,145*	-0,212*
LnLIQ	-0,027*	-0,181***	-0,149**	-0,053**	-0,281**	-0,018**
LnLOR	0,098***	0,185**	0,268**	0,136*	0,014**	0,133***
LnGDP	-0,204***	-0,022**	-0,252*	-0,097**	-0,106*	-0,093**
LnINF	-0,101**	-0,192**	-0,124***	-0,049*	-0,015**	-0,106*


Изоҳ: \*, \*\* ва \*\*\* мос равишда ўзгарувчиларнинг 1%, 5% ва 10% ишонч интервали.

Ёрдамчи ўзгарувчилардан капитал етарлилик даражаси, ликвидлилик ва ялпи ички маҳсулот ҳажми акс таъсирга эга бўлиб, лойихавий инвестицияларнинг ортиши уларнинг камайишига сабаб бўлади. Фақатгина кредит фаоллиги банкларни лойихавий молиялаштириш фаолияти билан тўғри пропорционалдир.

Амалга оширилган эконометрик таҳлиллар доирасида олинган натижалар ишончлилиги ва барқарорлигини текшириш мақсадида 3 та диагностик тестдан фойдаланилди. Дастлаб Сарган тести орқали ўзгарувчиларнинг адекватлилиги текширилди ва олинган натижа ишончлилиги тасдиқланди. Шундан сўнг, Ареллано-Бонд тести ёрдамида автокорреляция мавжуд эмаслиги аниқланди. Бундан ташқари, Вальд тести орқали олинган аҳамиятлилиги ва ҳақиқатга яқинлик даражаси текширилди.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги тасдиқлангандан сўнг ташқи омиллар таъсир қилмаган (асосий), барча омиллар салбий таъсир кўрсатган (пессимистик) ва барча омиллар ижобий таъсир кўрсатган (оптимистик) шароитдаги инвестицион лойихаларни молиялаштириш ҳажми динамикасининг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилди (3-расм).

<sup>10</sup> EViews-10 эконометрик таҳлил дастури асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



**3-расм. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳажми динамикаси прогнози<sup>11</sup>**

Расмдан кўринадикки, прогнозлар 2022-2026 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлади. 2024 йил 3-чораги якунида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳажми энг паст (0,023 бирлик) суръатларда ўсади. Шунингдек, энг юқори ўсишга 2026 йил 2-чорагида (0,102 бирлик) эришилади. Бундан ташқари, банкларнинг инвестиция лойиҳаларига йўналтирилган кредитлари учун энг таҳликали давр 2022 йил 2-чораги ҳамда 2024 йил 3-чораги, энг қулай давр эса, 2022 йил 3-чораги билан 2023 йил 3-чораги оралиғида бўлиши кутилади.

Диссертациянинг «**Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги банк рискларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш**» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистонда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги riskли жиҳатлар ва муаммолар, тижорат банклари томонидан молиялаштирилган инвестицион лойиҳаларнинг мақсадлилиги ва ҳаётийлигини таъминлаш йўналишлари, Ўзбекистонда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги банк рискларини тартибга солиш механизмини ривожлантириш имкониятлари баён этилган.

Тадқиқот ишида инвестиция лойиҳалари ҳаётийлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишнинг тузатувчи инструментлар тўплами асосида банк рисклари мониторинги мезонларини такомиллаштириш таклиф этилган. Унга кўра, мониторинг мезонлари таркибига тузатувчи инструментлар тўпламини киритилиши инвестиция лойиҳаларидаги рискларни тартибга солиш ҳамда лойиҳа мониторинги самарадорлигини таъминлаш имконини беради (4-расм).

<sup>11</sup> EIEWS-10 эконометрик таҳлил дастури асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



**4-расм. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги банк рискларини мониторинг қилиш жараёни<sup>12</sup>**

Мазкур таклифда инвестицион лойиҳани мақсадли амалга оширилиши бўйича мониторинг жараёнида лойиҳани рискдан ҳимоя қилишга қаратилган ўзгартиришлар киритишни назарда тутувчи тузатувчи инструментлар тўпламидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Ушбу тавсиялар Ўзбекистон Республикаси АТ Халқ банки томонидан кўриб чиқилиб, амалиётга жорий этилган ва қуйидаги амалий натижаларга эришилган:

Марказий банкнинг асосий фоиз ставкаси пасайганда лойиҳага ажратилган кредит фоиз ставкасини ҳам шунга мос ҳолда пасайтириш. 2020 йилда Осиё тараққиёт банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига йиллик Либор+2%дан 100,0 млн. АҚШ долл. қийматида Давлат

<sup>12</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

қарзи тақдим қилинган. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги эса, хорижий валюта курси рискинни ўз бўйнига олгани ҳолда 50,0 млн. АҚШ долл.ни миллий валюта (сўм)да Ўзбекистон Республикаси АТ Халқ банкига йиллик 15% (2020 йил январдаги асосий ставка)дан тақдим қилган.

Ўзбекистон Республикаси АТ Халқ банки томонидан ушбу маблағлар 18%дан яъни 15%(асосий ставка)+3%(тижорат банки маржаси)дан инвестицион лойиҳа ташаббускорларига кредит тариқасида тақдим қилинган. 2020 йил 11 сентябрдан асосий ставканинг 14%га туширилиши ҳисобига, молиялаштирилган инвестиция лойиҳаларининг фоиз ставкалари ҳам 17% яъни 14%(асосий ставка)+3%(тижорат банки маржаси)га ўзгартирилган.

Валюта курсида кескин девальвация кузатилганда лойиҳа доирасидаги импорт операцияларига имтиёз тақдим этиш. Валюта курсида кескин девальвация кузатилганда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳамда тижорат банклари томонидан хорижий валютада молиялаштирилган инвестицион лойиҳаларга бир қатор имтиёзлар берилган. Жумладан 2017 йил сентябрь ойида валюта муносабатларини либераллаштириш мақсадида амалга оширилган 93 фоизлик девальвация натижасида хорижий валютада молиялаштирилган инвестицион лойиҳаларга Ўзбекистон Республикаси Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб қувватлаш жамғармаси томонидан лойиҳалар бўйича ҳисобланадиган фоизларнинг 50%гача компенсацияси жорий қилинган, шунингдек, тижорат банклари томонидан ушбу лойиҳаларнинг муддатлари қўшимча (камида) 3 йил муддатгача узайтириб берилган. Яъни инвестицион лойиҳа бўйича 8%дан берилган кредитлар учун фоиз тўловлари фақатгина 4% миқдоридан тўланиши белгилаб қўйилган. Шунингдек, кредит муддати 7 йил бўлган лойиҳаларнинг муддатлари 10 йилдан (лойиҳадан келиб чиқиб) 15 йилгача узайтириб берилган.

Лойиҳани молиялаштириш учун хорижий валютада ажратилган кредитлар бўйича фоиз ставкасини LIBOR ва EURIBOR ставкаларига боғлаш. Ушбу тақлиф асосида Ўзбекистон Республикаси АТ Халқ банки томонидан хорижий молия институтлари маблағлари ҳисобига хорижий валюталарда молиялаштирилган лойиҳаларнинг кредитлари бўйича фоиз ставкалари LIBOR ва EURIBOR ставкаларига боғлаб қўйилган. Ўз навбатида, LIBOR ва EURIBOR ставкаларининг ўзгариши (пасайиши) ҳисобига жалб қилинган кредит фоизлари ҳам пасайган. Бу эса, молиялаштирилган инвестицион лойиҳаларнинг кредит фоизларини ҳам тушишига сабаб бўлган.

## 5-жадвал


### 2017-2021 йилларда LIBOR ва EURIBOR ставкаларини ўзгариши

Йиллар	LIBOR	EURIBOR*
2017 йил 1 январь	1,31%	-0,22%
2018 йил 1 январь	1,83%	-0,27%
2019 йил 1 январь	2,87%	-0,23%
2020 йил 1 январь	1,90%	-0,32%
2021 йил 1 январь	0,25%	-0,53%

\*EURIBOR манфий бўлганда унинг фоиз ставкаси 0% деб олинади.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги деярли барча тижорат банклари хорижий банклар ва жамғармалардан ўзаро ҳамкорлик шартномалари асосида хорижий валютадаги кредитларни жалб қилмоқдалар. Бунда, банклар томонидан жалб қилинган ресурсларнинг салмоқли қисми мамлакатдаги йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аксарият тижорат банклари инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда бенефициар манфаати учун алоҳида чоратadbирлар механизмини ишлаб чиқишмайди. Фақатгина банкнинг манфаати ва паст рискли шароитда инвестицион кредитлардан барқарор фоизли даромадлар тушумини таъминлашга ҳаракат қилишади. Ваҳоланки, маҳаллий тижорат банкларида хорижий ҳамкорлар билан ўзаро келишувлар ва меморандумлар орқали бенефициар манфаатига хизмат қилувчи, уларнинг инвестицион лойиҳаларини молиявий рағбатлантириш кўламини кенгайтирувчи механизмларни йўлга қўйиш имкониятлари мавжуд.

